




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ



ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
ИҚТИСОДИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ
«ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ» КАФЕДРАСИ

«ХИМОЯГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ»
«Ишлаб чиқаришда бухгалтерия
ҳисоби» кафедраси мудири

и.ф.н.доц., Г.Ж.Жумаева
«06» 06 2016йил



Акциядорлик жамиятларида фойдани аниқлаш ва тақсимлаш ҳисоби
ва аудити (Қарши шаҳар «Минора куриш экспедицияси» АЖ
мисолида) **мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ


БАЖАРДИ: «Бухгалтерия ҳисоби ва
аудит» таълим
йўналиши битирувчиси
IVкурс Б-464гуруҳ
талабаси
Хуррамов
Элёр Баратович

ИЛМЙИРАҲБАР:
«Ишлаб чиқаришда бухгалтерия
ҳисоби» кафедраси катта
ўқитувчиси
Жалилов Р.Х.

Битирув малакавий иши кафедрада дастлабки ҳимоядан ўтди.

17 сонли баённома « 27 » 05 2016 й.

ҚАРШИ-2016



**Мавзу: акциядорлик жамиятларида фойдани аниқлаш ва тақсимлаш
ҳисоби ва аудити**

(Қариш шаҳар “Минора қуриш экспедицияси” АЖ мисолида)

КИРИШ.

**I-боб. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА ФОЙДАНИ АНИҚЛАШ ВА
ТАҚСИМЛАШНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ
АСОСЛАРИ.**

- 1.1. Акциядорлик жамияти фаолиятининг асосий молиявий кўрсаткичлари.
- 1.2. Фойдани тақсимлашда дивиденд сиёсати тушунчаси ва унинг иқтисодиётдаги роли.
- 1.3. Фойдани тақсимлаш бўйича ҳисоблашувлар.

**II-боб. “МИНОРА ҚУРИШ ЭКСПЕДИЦИЯСИ” АКЦИЯДОРЛИК
ЖАМИЯТЛАРИДА ФОЙДАНИ АНИҚЛАШ ВА ТАҚСИМЛАШ
ҲИСОБИ.**

- 2.1. Молиявий натижаларни, соф фойда ҳисобидан фондлар ва бошқа захиралар-нинг ташкил этилиши ҳисоби.
- 2.3. Дивидендларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби.
- 2.4. Молиявий ҳисоботни тасдиқлаш, аудитор текширувидан ўтказиш ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши.

**III-боб. ФОЙДАНИ ТАҚСИМЛАШДА ДИВИДЕНД СИЁСАТИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ.**

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.

ИЛОВАЛАР.

I-бoб.АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА ФОЙДАНИ АНИҚЛАШ ВА ТАҚСИМЛАШНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.

1.1. Акциядорлик жамияти фаолиятининг асосий молиявий кўрсаткичлари.

Акциядорлик жамиятининг юқори иқтисодий самара билан фаолият кўрсатиши акциядорлар учун жуда муҳим аҳамиятга эга. Биринчидан, юқори самара ёки фойда акциядорларга юқори дивидендлар тўлашга имконият яратади. Иккинчидан, юқори фойда билан ишлаётган корхонанинг ривожланиши учун молиявий имкониятлар мавжуд. Учинчидан, юқори даромад келтираётган жамиятнинг акциялари бозорда юқори баҳоланади. Шунинг учун акциядор бирон-бир зарурият туфайли ўз акцияларини сотишни хоҳлаб қолган тақирда, уларни сотиб салмоқли маблағни қўлга кирита олади.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхонанинг барқарор ривожланиши ва юқори даромад келтириши унинг молиявий кўрсаткичларида ўз ифодасини топади. Шу туфайли бу кўрсаткичлар корхонанинг инвесторлар учун жозибадорлигини белгилаб беради. Молиявий кўрсаткичлар қанчалик яхши бўлса, корхонага йўналтирилган ва йўналтириладиган инвестициялар (молиявий ресурслар) бўйича таваккалчилик ёки хатар шунчалик паст ҳисобланади.

Молиявий кўрсаткичлар корхона молиявий аҳволини ифодаловчи нисбий кўрсаткичлардир. Шунинг учун уларни ўтган давр ёки турдош корхоналар билан таққослаб кўрадилар. Айни пайтда абсолют миқдорларда ифодаланувчи кўрсаткичлар ҳам мавжуд, лекин уларни турли корхоналар бўйича ҳамма вақт ҳам таққослаб бўлавермайди.

Молиявий кўрсаткичларни таҳлил қилиш маблағларни йўналтириш турли вариантларидан молиявий жиҳатдан энг ишончлиси ва самаралисини танлаб олишда ёрдам беради. Молиявий кўрсаткичларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1.Ликвидлик кўрсаткичлари.

2.Активларни бошқариш кўрсаткичлари.

3.Рентабеллик кўрсаткичлари.

4.Қарзларни бошқариш кўрсаткичлари.

Корхона молиявий барқарорлигининг энг муҳим мезонларидан бири унинг ликвидлигини баҳолашдир. Корхонанинг ликвидлиги унинг қисқа муддатли қарзлари бўйича тўловларни бажара олиш қобилиятини ифодалайди.

Активларнинг энг ликвид тури пул маблағларидир. Пулдан қарзларни тўлаш учун ҳам, моддий ресурслар сотиб олиш учун ҳам фойдаланиш мумкин. Ўз қийматини йўқотмасдан тез муддатларда пулга айлана оладиган активлар ликвид активлар деб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгилаб берилган молиявий ҳисобот шаклларида энг биринчиси бўлган корхонанинг бухгалтерия балансида активлар уларнинг умумий ликвидлик даражасига қараб жойлаштирилган.

Ликвидлик кўрсаткичларидан биринчиси тўлов қобилияти коэффиценти ёки қоплаш коэффиценти деб аталади. У айланма маблағлар миқдорини (Ай) жорий мажбуриятлар ҳажмига (ЖМ) бўлиш йўли билан ҳисоблаб чиқилади:

$$K_1 \text{ қ Ай / ЖМ}$$

Айланма маблағлар таркибига пул маблағлари, омбордаги товарлар ва дебиторлик қарзлари киради. Жорий мажбуриятлар банкдан қисқа муддатли қарздорлик, моддий ресурсларни етказиб берувчилардан қарзлар, бюджетдан ва нобюджет фондлардан қарзларни ўз ичига олади. Акциядорлик жамияти жорий қарзларини қисқа муддатларда тўлаб бера олмаса, банкротлик хавфи вужудга келади. Қисқа муддатли қарздорликда тўлов муддати жуда тез етиб келади.

Шунинг учун корхона маблағлари муайян қисми уларни ўз вақтида қоплаш учун шай ҳолда бўлиши керак. Бу эса активларнинг ликвидлик даражасига боғлиқ. Одатда корхонанинг айланма маблағлари қанча куп бўлса, корхонанинг ликвидлик даражаси шунча юқори бўлади, чунки айланма маблағларни пулга тезроқ айлантириш мумкин. Мазкур кўрсаткич 2:1 дан 3:1 гача бўлган ҳолатни нормал деб ҳисоблайдилар. Кўрсаткич 1:1 дан кам эканлиги асосий воситалар ҳам қисман қисқа муддатли қарзлар ҳисобидан молиялаштирилаётганлигини билдиради. Бу иқтисодий нуқтаи назардан салбий баҳоланади. Иккинчи кўрсаткич “тез” ликвидлик коэффиценти деб аталади:

K_2 к (Ай-ТМЗ) / ЖМ

Бу ерда ТМЗ - товар моддий заҳиралар.

Товар-моддий заҳираларнинг ликвидлиги ҳамма вақт ҳам кутилган даражада бўлавермайди. Шунинг учун биринчи кўрсаткичга тегишли тузатиш киритилади. Иккинчи кўрсаткичнинг 1,2:1 дан 1,8:1 гача даражаси нормал ҳисобланади.

Учинчи кўрсаткич абсолют ликвидлик коэффиценти деб аталади. Унинг миқдори пул маблағлари (Пм) ва тез сотиладиган қимматли қоғозларнинг (Ққ) қисқа муддатли қарздорликка нисбати каби ҳисоблаб чиқилади:

Кўпчилик мутахассислар мазкур кўрсаткичнинг миқдори 0,2:1 дан пасайиб кетса корхонада молиявий танглик вужудга келади деб ҳисоблайдилар.

Корхона бошқарув органлари молиявий-иқтисодий фаолияти сифатини ифодаловчи кўрсаткичлардан бири ҳисоб-китоблар бўйича айланувчанлик коэффицентидир:

K_4 к Дебиторлик қарзлари

Реализация ҳажми:360

Бу кўрсаткич дебиторлик қарзларини сотиш ҳажмига таққослаган ҳолда сотилган товарлар учун тўловлар қанчалик тез муддатларда ундирилаётганини акс эттиради. Бу кўрсаткич самарасиз бошқарув, кучли рақобат ёки ҳаридорларнинг тўловга ноқобиллиги натижасида ёмонлашиши мумкин. Яна бир кўрсаткич корхона товар-моддий заҳираларининг айланиш тезлигидир: $K_{5к}$ ТМЗ / Реализация ҳажми

Корхона молиявий аҳволини таҳлил қилишда “соф айланма капитал” тушунчасидан фойдаланадилар:

$K_{6к}$ Айланма маблағлар - қисқа муддатли кредиторлик қарзлари

Соф айланма капиталнинг мавжудлиги айланма маблағларнинг корхона ўз манбалари ёки узоқ муддатли қарз манбалари ҳисобига шаклланишини характерлайди ва бу молиявий барқарорлик учун муҳим аҳамиятга эга. Худди шу кўрсаткични соф айланма капиталнинг жорий мажбуриятларга нисбати каби ҳисоблаб чиқилганда ҳаракатчан қоплаш коэффиценти ҳосил бўлади. Бу коэффицентнинг бирдан кам бўлмаслиги мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Корхонанинг молиявий барқарорлиги хўжалик фаолияти натижасида ўз маблағлари жамғариб борилишида, маблағларнинг ўз ва қарз манбаларига нисбатида, асосий воситалар бирламчи қийматида жамғарилган амортизациянинг улушида, моддий айланма маблағларнинг ўз манбалари билан таъминланганлигида ҳам ифодаланади.

Автономия (мустақиллик) коэффиценти корхонанинг жами мулкида корхона эгалари қанча миқдорда улушга эга эканликларини кўрсатиб туради. Бу коэффицент ишлаб чиқариш корхоналарида 0,5 дан кам бўлмаслиги лозим. Иқтисодий жиҳатдан макбул даражаси 0,7-0,8 ҳисобланади, чунки хўжалик амалиётида ҳар қандай корхона кредиторлик қарзларидан фойдаланиб ишлашига тўғри келади.

Банкротликни башоратлаш коэффиценти соф айланма капиталнинг баланс

активи умумий суммасидаги улушини ифодалайди. Агар фирма молиявий қийинчиликларга дуч келса бу кўрсаткич тезлик билан пасайиб кета бошлайди.

Иммобилизация коэффиценти (амортизациянинг жамғарилиши коэффиценти) асосий воситаларнинг умумий аҳволини характерлайди. Бу коэффицент жамғарилган амортизациянинг асосий воситалар дастлабки қийматига нисбати каби аниқланади. Унинг 0,5 дан ортиб кетиши корхонадаги асосий воситалар анча эскириб қолганлигини билдиради.

Молиявий барқарорлик коэффиценти баланс пасиви умумий суммасида корхона ўз фаолиятида узоқ муддат фойдалана оладиган манбалар улушини ифодалайди. Автономия коэффицентидан унинг фарқи жойи шундаки, бу ерда узоқ муддатли қарзлар ва мақсадли молиявий тушумлар корхона ўз пасивлари билан бирлаштирган ҳолда олинади.

Корхона фаолиятига баҳо беришда айланма маблағлардан фойдаланиш кўрсаткичлари муҳим ўрин тутди.

Ўз айланма маблағлари мавжудлигини аниқлаш учун баланс пасиви биринчи бўлими умумий суммасидан (маблағлар ўз манбалари) баланс активининг биринчи қисми умумий суммаси (узоқ муддатли активлар) айириб ташланади. Бу кўрсаткични баланс ликвидлиги ёки ишчи капитал деб ҳам атайдилар. Баланси ноликвид корхона кредит қобилятига эга эмас деб ҳисобланади.

Моддий айланма маблағларнинг айланувчанлигини реализация ҳажмини айланма маблағлар қолдиги ўртача миқдорида бўлиш орқали аниқланади.

Акциядорлик жамиятининг молия ресурслари бозоридаги мавқеи самарадорлик ва “бозоргирлик” кўрсаткичларида қайд этилади.

Самарадорлик кўрсаткичлари олинган соф фойда миқдорида, рентабеллик кўрсаткичларида (фойданинг харажатларга ёки активларга нисбати), акцияларга тўланадиган дивидендлар даражасида ифодаланади.

1.3. Соф фойдани тақсимлаш бўйича ҳисоблашувлар.

Фойда корхона иш фаолиятининг самарадорлиги кўрсаткичи ҳамда тараққий этишининг манбаидир. Фойданинг ўсиши корхона хўжалик фаолиятини ўз маблағлари ҳисобидан молиялашнинг иқтисодий негизи бўлиб хизмат қилади. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш, корхона жамоасининг ижтимоий ва моддий эҳтиёжларини кондиритиш, корхона эгаларининг корхона ривожланиши ва кенгайтишига бўлган қизиқиши ортиши ва бошқа шу каби иқтисодий жараёнлар корхона фойда олиб ишлашини назарда тутди. Фойда ҳисобидан бюджет, банклар ва бошқа ташкилотлар олдидаги мажбуриятлар бажарилади.

Корхона фойдаси бир қатор манбалардан шаклланади. Маълумки, корхонанинг пировард натижалари даромадлар билан харажатлар ўртасидаги нисбатга боғлиқ. Албатта, даромадлар ва харажатлар биринчи навбатда корхонанинг асосий фаолияти билан боғлиқ ва фойда асосий фаолиятдан олинити табиий ҳол деб қаралиши лозим. Лекин бозор муносабатлари шароитда корхонанинг хўжалик ва иқтисодий фаолияти хилма-хил тус олади. Мазмуни жиҳатидан олиб қаралганда, бозор иқтисодиёти шароитидаги қонунчилик корхонага катта иқтисодий эркинликлар беради, корхонадаги тадбиркорлик фаолияти йўналишларини чекламайди. Натижада корхона иқтисодий фаолияти учун бир вақтнинг ўзида кўплаб йўналишлар хослиги одатий ҳолга айланади. Мувофиқ равишда асосий деб ҳисобланмайдиган йўналишлардан олинаётган фойда ҳам корхона учун муҳим аҳамият касб этади. Корхона асосий фаолиятига кирмайдиган йўналишлар сифатида капитални бошқа корхоналарга инвестициялаш (одатда тобе корхоналарга), бинолар, машиналар ва ускуналарни ижарага бериш, молиявий қўйилмалар, қимматли қоғозлар билан операциялар кабиларни санаб ўтиш мумкин.

Булардан ташқари бозор муносабатлари шароитида акциядорлик жамиятларида ортиқча ва фойдаланилмаётган асосий фондлар, номоддий ва

бошқа активларни сотиш, хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ даромадлар ва харажатлар ҳам анчагина миқдорларда мавжуд бўлади.

Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда қайд этиш мумкинки, акциядорлик жамиятининг фойдаси асосий фаолият (ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш, савдо, воситачилик ва бошқалар), молиявий фаолият, асосий воситаларни ва бошқа активларни сотиш, фавқулодда операциялар сингари манбалардан ҳосил бўлади.

Бозор муносабатлари шароитида корхонанинг молия-хўжалик фаолиятини баҳолашга акциядорлар ва бошқа инвесторлар, кредиторлар, бошқа шериклар-контрагентлар томонидан жуда талабчанлик билан ёндашилади. Корхона даромадлар ва харажатларининг ҳар бир моддаси чуқур таҳлил этилади. Айниқса, фавқулодда зарарлар ва даромадлар қанчалик асосли эканлиги синчиклаб ўрганилади.

Ўзбекистон Республикасида 1995 йилдан бошлаб амал қилаётган харажатлар таркиби тўғрисида Низомда фавқулодда даромадлар ва харажатлар моддалари бозор иқтисодиёти талаблари асосида белгиланган. Фавқулодда зарарлар корхонанинг молия-хўжалик фаолиятида камдан-кам содир бўладиган, корхона фаолиятига хос бўлмаган ҳамда корхонада қабул қилинган бошқарув қарорларига боғлиқ бўлмаган ҳолда келиб чиқадиган зарарлардир. Уларга қуйидагиларни киритадилар:

- мамлакатдаги иқтисодий сиёсатдаги ўзгаришлар (хусусан, хўжалик конунчилигидаги) натижасида юз берган йўқотишлар, масалан, хусусийлаштириш ёки миллийлаштириш, фаолият айрим турларини тақиқлаш кабилар;

- сиёсий силкинишлар натижасида йўқотишлар (уруш, инқилоб ва бошқалар);

- стихияли офатлар сабабли йирик йўқотишлар.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда корхонанинг даромадлари алоҳида сатрларда: “Махсулот (иш, хизмат) сотишдан тушум” (010-сатр), “Сотишдан олинган соф тушум” (050-сатр), “Сотишдан тушган ялпи молиявий

натижа” (070-сатр), “Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижаси (фойда ёки зарар)” (100-сатр), “Умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижаси (фойда ёки зарар)” (150-сатр), “Фойда солиғи тўлангунча қадар умумий молиявий натижа” (170-сатр) ва “Ҳисобот давридаги соф фойда (зарар)” (200-сатр) кўрсатилади.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” Қонуннинг 15-моддасида жамиятнинг уставида даромадни (фойдани), дивидендларни тақсимлаш ва зарарни қоплаш тартиби ҳақида маълумотлар бўлиши лозимлиги қайд этилган. Қонуннинг 65-моддасида фойда ва зарарларни тақсимлаш акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатлари таркибига киритилган.

Фойдани тақсимлаш пировард натижада акциядорларга дивидендлар ҳисоблаш ва тўлаб бериш масаласига бериб тақалади. Қонуннинг 53-моддасида дивидендга шундай таъриф берилади: “Дивиденд фойданинг солиқлар ва мажбурий тўловлар тўланганидан, қайта инвестиция амалга оширилганидан сўнг акциядорлар жамияти ихтиёрида қоладиган, акциядорлар ўртасида тақсимланиши керак бўлган қисми”. Кўриниб турибдики, акциядорлик жамиятининг фойдаси биринчи навбатда солиқлар ва мажбурий тўловларга, иккинчи навбатда қайта инвестициялашга (ўз капитални кенгайтиришга) ва шундан сўнг қолган қисми эса акциядорлар ўртасида даромад сифатида тақсимлашга йўналтирилиши лозим.

Жамият уставида фойданинг (даромаднинг) қанча қисми дивидендлар тўлаш учун мажбурий тарзда йўналтирилишини қатъий белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки корхонада қайта инвестициялаш зарурий ҳажмларини кўпчилик ҳолларда олдиндан аниқ башорат қилиш қийин. Бозор муносабатлари шароитида фойданинг етарли қисмини капитални кенгайтиришга йўналтирмаслик корхонанинг техник-технологик салоҳиятига ва рақобатбардошлигига салбий таъсир қилади.

Шу жиҳатдан олганда дивидендларни ҳар қандай ҳолда тўлаб берилиши ҳақидаги қондани жамият уставига киритиб бўлмайди, дивиденд тўлаш имконияти корхонада юзага келган шароитларга боғлиқ бўлади. Масалани акциядорлар умумий йиғилишида ҳал этилиши энг маъқул вариантдир. Чунки, юқорида кўрсатиб ўтилганидек, оддий акциялар бўйича ҳам, имтиёзли акциялар бўйича ҳам дивидендлар тўлашнинг мумкинлиги ва мақсадга мувофиқлиги жамият фаолиятининг натижалари, унинг молиявий аҳволи ва мунтазам ўзгариб турувчи жорий эҳтиёжлари билан белгиланади. Айни пайтда жамиятнинг истиқболи учун тайёргарлик кўриб бормаслик ҳам мумкин эмас.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида акциядорларнинг катта қисми катта дивидендларга умид боғлайди ва ҳатто акциядорлик жамияти ҳар қандай ҳолатда ҳам дивиденд тўлаши мажбурий бўлиши лозим деб ҳисоблайди. Лекин дивидендга айлана оладиган даромадни яратиш лозим. Бундан ташқари, мазкур даромадга барқарор эришилиши шарт-шароитлари ҳам яратиб берилиши талаб этилади. Барқарор ишловчи акциядорлик жамиятлари дивидендларни мунтазам тўлаб беришга интиладилар. Дивидендлар мунтазам тўланиши жамиятга янги акциядорларни жалб этишни осонлаштиради. Мутахассислар жамиятнинг уставида ишлаб чиқаришни ривожлантириш фондини ташкил этишни ҳамда унга ажратиладиган фойда улушини белгилаб қўйишни, шунингдек уставда “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” Қонуннинг 34-моддаси талабларидан кам бўлмаган чегараларда заҳира фонди ташкил этилишини назарда тутишни тавсия қиладилар.

II-боб. “МИНОРА ҚУРИШ ЭКСПЕДИЦИЯСИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА ФОЙДАНИ АНИҚЛАШ ВА ТАҚСИМЛАШ ҲИСОБИ.

2.1. Молиявий натижаларни, соф фойда ҳисобидан фондлар ва бошқа захиралар-нинг ташкил этилиши ҳисоби.

Фуқаролик кодексининг (ФК) 70-моддасида ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкка нисбатан мулкдор томонидан мулк ҳуқуқи берилмаган тижоратчи ташкилот унитар корхона ҳисобланиши белгилаб қўйилган. Унитар корхонанинг мол-мулки бўлинмасдир ва у қўшилган ҳиссалар (улушлар, пайлар) бўйича, шу жумладан корхона ходимлари ўртасида ҳам, тақсимланиши мумкин эмаслиги назарда тутилган.

Шунингдек, ФК 67-моддасида агар бир (асосий) хўжалик жамияти ёки ширкати иккинчи хўжалик жамиятининг устав фондида ундан устунлик мавқеига эга бўлган ҳолда иштирок этса, ушбу иккинчи хўжалик жамияти шўъба хўжалик жамияти ҳисобланиши белгилаб қўйилган.

Демак, ФКга асосан унитар ва шўъба корхоналарнинг 100 фоизлик эгаси АЖ ҳисобланади ва улар ўзларининг соф фойдаларини дивиденд солиғини ушламасдан АЖга ўтказиб беришлари керак бўлади.

Ўз навбатида, АЖ ушбу соф фойдани корхонанинг эҳтиёжидан келиб чиқиб, зарур бўлган харажатларига сарфлайди ва қолган қисмини акциядорларга тақсимлаб бериш пайтида тўлов манбаидан 10 фоизлик миқдорда дивиденд солиғини ушлаб қолиши керак бўлади.

Мазкур операциялар қуйидаги проводкалар билан акс эттирилади:

5% — жамият тасаруффидаги корхоналарнинг захира фондига ажратма:

Дебет	8710*
-------	-------

Кредит	8520
--------	------

73% — корхоналарнинг моддий-техника базасининг ривожлантиришга (янги қурилиш, бино-иншоотларни мукамал таъмирлаш, техника жиҳозларининг сотиб олиш) ажратма:

Дебет		8710*
Кредит		8520
Дебет		8520
Кредит	0820,	0710, 0110
15% — жамият акциядорларига дивиденд тўловлари учун ажратма:		
Дебет		8710
Кредит		6610
3% — кузатув кенгашининг аъзоларини рағбатлантириш ва аудиторлик текширувлари учун ажратма:		
Дебет		8710
Кредит		8521
Дебет		8521
Кредит		6710
4% — жамият бошқарувининг моддий-техника базасини ривожлантириш учун ажратма:		
Дебет		8710
Кредит		8522
Дебет		8522
Кредит	5110	

* Унитар корхона ушбу қабул қилган пулларни акциядорларнинг умумий йиғилиши баённомасида кўрсатилган мақсадлар учун сарфлайди.

Бухгалтерия қонунчилиги нуқтаи назаридан (солиқ оқибатларини ҳисобга олмаган ҳолда) бизнинг фикримиз қуйидагича:

Маълумки, Фуқаролик кодексининг (ФК) 70-моддасида ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкка нисбатан мулкдор томонидан мулк ҳуқуқи берилмаган тижоратчи ташкилот унитар корхона ҳисобланиши белгилаб қўйилган. Унитар корхонанинг мол-мулки бўлинмасдир ва у қўшилган ҳиссалар (улушлар, пайлар) бўйича, шу жумладан корхона ходимлари ўртасида ҳам, тақсимланиши мумкин эмаслиги назарда тутилган.

Шунингдек, ФК 67-моддасида агар бир (асосий) хўжалик жамияти ёки ширкати иккинчи хўжалик жамиятининг устав фондида ундан устунлик мавқеига эга бўлган ҳолда иштирок этса, ушбу иккинчи хўжалик жамияти шўъба хўжалик жамияти ҳисобланиши белгилаб қўйилган.

Демак, ФКга асосан унитар ва шўъба корхоналарнинг 100 фоизлик эгаси АЖ ҳисобланмайди. Тўғри, унитар корхоналарнинг 100 фоизлик эгаси АЖ ҳисобланади аммо шўъба корхонаси устав фондида ундан устунлик мавқеига эга бўлган ҳолда улушга эга бўлади, бу эса 100 % эгаси деган эмас. Бу ҳолатда АЖ шўъба корхонасининг устав фондида ва соф фойдасида қандайдир улушга эга.

Бизнинг фикримизча, корхоналар соф фойдаси ёки тақсимланмаган фойда дивиденд сифатида таъсисчиларга ва захира фондига тақсимланиши мумкин. Демак, бухгалтерия ҳисобида акс эттириш мақсадида соф фойда қуйидаги тартибда тақсимланиши лозим:

5% — жамият тасаруффидаги корхоналарнинг захира фондига ажратма;
22% — жамият акциядорларига дивиденд тўловлари учун ажратма сифатида эмас, жамиятга, яъни таъсисчига дивиденд тўловлари учун ажратма деб ҳисоблаймиз (15%+3%+4%);

73% — корхоналарнинг моддий-техника базасини ривожлантириш (янги қурилиш, бино-иншоотларни мукамал таъмирлаш, техника жиҳозларининг сотиб олиш) корхона ихтиёрида қолдирилади.

Захира фондига ажратма қонунчиликда белгиланган ва 21-сонли БҲМСда 8520 “Резерв капитали (фонди)” счёти корхона томонидан таъсис ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ташкил этилган резерв капиталининг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланганлиги белгиланган.

Резерв капитали (фонди) маблағлари корхона зарарларини қоплаш ва бошқа қоплаш манбалари бўлмаган бошқа мақсадларга (жорий ҳисобот йилида фойда

олинмаганлиги ёки фойда суммаси етарли бўлмаганлиги сабабли имтиёзли акцияларга дивидендлар ҳисоблаш учун) сарфланиши мумкин.

Резерв капитали (фонди)нинг шаклланиши 8520 “Резерв капитали (фонди)” счётининг кредитида 8710 “Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (копланмаган зарари)” счёти билан боғланган ҳолда акс эттирилади.

Жамият бошқарувининг ҳисобрақамига унитар ёки шўъба корхоналар соф фойдасининг 22% тўлаб берилиши белгиланса, агарда бу соф фойданинг тақсимланиши бўлса бунинг барчаси дивиденд сифатида қаралиши керак, агарда 7%и бўйича тегишлича шартномалар (беғараз моддий ёрдам бўйича шартномалар) тузилган бўлса, бунда Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомга асосан бу харажатлар (7%) унитар ёки шўъба корхоналар бухгалтерия ҳисобида бошқа операцион харажат сифатида тан олиниши керак, қолган 15%и дивиденд сифатида қаралади.

73% — корхоналарнинг моддий-техника базасини ривожлантиришга (янги қурилиш, бино-иншоотларни мукамал таъмирлаш, техника жиҳозларининг сотиб олиш) ажратма;

Бизнинг фикримизча, соф фойданинг 73%и корхоналарнинг моддий-техника базасини ривожлантиришга (янги қурилиш, бино-иншоотларни мукамал таъмирлаш, техника жиҳозларининг сотиб олиш) ажратилиши бу соф фойданинг тақсимланиши ҳисобланмайди. Моддий техникасини ривожлантиришда молиявий натижага борадиган харажатлар амалга оширилса, у Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомга асосан акс эттирилиши зарур. Молиявий натижага бормайдиган, яъни активлашадиган (янги қурилиш, асосий воситаларни сотиб олиш, модернизация) харажатлар бўлса, бунда корхонанинг активлари камайиши ҳолатлари юз бермайди.

Мазкур операциялар қуйидаги проводкалар билан акс эттирилиши зарур:

Унитар ёки шўъба корхоналар бухгалтерия ҳисобида (агарда 7% бўйича беғараз моддий ёрдам тўғрисида шартнома мавжуд бўлса):

5% — жамият тасаруффидаги корхоналарнинг захира фондига ажратма:

Дебет 8710

Кредит 8520

73% — корхоналарнинг моддий-техника базасинин ривожлантиришга (янги қурилиш, бино-иншоотларни мукаммал таъмирлаш, техника жиҳозларинин сотиб олиш) ажратма:

Проводка берилмайди

15% — жамиятга, яъни таъсисчига дивиденд тўловлари учун ажратма:

Дебет 8710

Кредит 6610

3% — кузатув кенгашининг аъзоларини рағбатлантириш ва аудиторлик текширувлари учун ажратма:

Дебет 9430

Кредит 6990

4% — жамият бошқарувининг моддий-техника базасини ривожлантириш учун ажратма:

Дебет 9430

Кредит 6990

Унитар ёки шўъба корхоналар бухгалтерия ҳисобида (агарда 7% бўйича бегараз моддий ёрдам тўғрисида шартнома мавжуд бўлмаса):

5% — жамият тасаруффидаги корхоналарнинг захира фондига ажратма:

Дебет 8710

Кредит 8520

73% — корхоналарнинг моддий-техника базасинин ривожлантиришга (янги қурилиш, бино-иншоотларни мукаммал таъмирлаш, техника жиҳозларинин сотиб олиш) ўз ихтиёрида қолдирилади:

Проводка берилмайди

22% — жамиятга, яъни таъсисчига дивиденд тўловлари учун ажратма

(15%+3%+4%):

Дебет 8710

Кредит 6610

АЖ бухгалтерия ҳисобида (агарда 7% бўйича беғараз моддий ёрдам тўғрисида шартнома мавжуд бўлса):

15% — жамиятга унитар ёки шўъба корхоналардан дивиденд тўловлари учун ажратма:

Дебет 4840

Кредит 9520

3% — кузатув кенгашининг аъзоларини рағбатлантириш ва аудиторлик текширувлари учун ажратма:

Дебет 4890

Кредит 9380

4% — жамият бошқарувининг моддий-техника базасини ривожлантириш учун ажратма:

Дебет 4890

Кредит 9380

АЖ бухгалтерия ҳисобида (агарда 7% бўйича беғараз моддий ёрдам тўғрисида шартнома мавжуд бўлмаса):

22% — жамиятга унитар ёки шўъба корхоналардан дивиденд тўловлари учун ажратма:

Дебет 4840

Кредит 9520

2.2. Дивидендларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби.

Акциядорлик жамиятларида дивидендларни ҳисоблаш ва тўлаш масалалари “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” Қонуннинг VI бўлимида, 53 -62 - моддаларда тартибга солинган.

Акциядорлик жамияти ўз акциядорларига дивидендлар ҳисоблаши ва тўлай олиши учун қуйидаги шартларга риоя этилиши зарур:

1. Акциядорлик жамияти ўз фаолияти натижасида етарли фойда олган бўлиши лозим. Фойдадан биринчи навбатда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланади. Иккинчи навбатда фойданинг бир қисми қайта инвестициялаш мақсадларига сарфланади. Шундан сўнг дивидендлар ҳақидаги масалани қўйиш мумкин бўлади.

2. Дивидендлар тўланиши натижасида жамиятда тўловга қобилиятсизлик белгилари пайдо бўлса ёки дивидендлар тўланадиган пайтда жамият шундай белгиларга эга бўлса дивидендлар тўланиши мумкин эмас. Бундай ҳолда жамиятни молиявий соғломлаштириш чоралари ишлаб чиқилиши лозим.

3. Акциядорлик жамиятининг устав фондининг ҳаммаси тўлаб бўлингунга қадар дивидендлар тўланиши мумкин эмас. Қонуннинг 33-моддасига биноан акциядор таъсис йиғилишида белгиланган муддатда, аммо жамият рўйхатдан ўтказилганидан кейин кўпи билан бир йил ичида акцияларни тўлиқ сотиб олиши лозим. Жамиятнинг қўшимча акцияларига уларни жойлаштириш тўғрисидаги қарорга мувофиқ белгиланган муддат ичида, бироқ улар жойлаштирилган пайтдан эътиборан кўпи билан бир йил ичида ҳақ тўланиши лозим. Акцияларни сотиб олиш муддати ўтгандан сўнг акциядорлик жамияти бу акцияларни ўз хоҳишига кўра реализация қилишга ҳақли ва буни акциялар жамият тасарруфига ўтган пайтдан эътиборан кўпи билан бир йил ичида амалга ошириш лозим. Шу муддатда сотилмаган акциялар муомаладан чиқарилади ва устав фонди тегишли равишда камайтирилади. Жамият тасарруфидаги

акцияларга

дивиденд

ҳисобланмайди.

4. Акциядорлик жамияти соф активларининг қиймати (баланс активи умумий суммаси минус жамиятнинг кредиторлар олдидаги жами мажбуриятлари суммаси) унинг устав ва захира фондлари суммасидан (ўз капитали) кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилиниши мумкин эмас.

Акциядорлик жамиятининг молия-хўжалик фаолиятида санаб ўтилган чекловлар мавжуд бўлмаганда акциядорларга фойданинг бир қисмини дивиденд сифатида тақсимлаш ҳақида қарор қабул қилиниши мумкин. Жамиятнинг уставида ҳар чоракда, ҳар ярим йилда ёки бир йилда бир марта жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўланиши ҳақида қоида бўлиши мумкин. Ҳар чоракда ёки ҳар ярим йилда тўланадиган дивидендлар оралик дивидендлар деб аталади. Уларнинг миқдори ва тўлаш шакли тўғрисида қарор жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади. Агар оралик дивидендлар тўлаш оқибатида акциядорлик жамиятининг молия-хўжалик аҳволи жиддий равишда ёмонлашадиган бўлса, оралик дивидендлар тўлаш таъқиқланади.

Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича йиллик дивидендларни тўлаш, дивидендлар миқдори ва тўлаш шакли ҳақида қарор кузатув кенгашининг тавсияси асосида акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Акциядорлар умумий йиғилиши дивидендларнинг кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган ставкасини камайтириши ёки кенгаш тавсиясига қарамасдан дивидендларни умуман тўламаслик ҳақида қарор қабул қилиши мумкин. Лекин умумий йиғилиш кузатув кенгаши тавсиясига нисбатан дивидендлар тўлаш ставкасини оширишга ҳақли эмас. Айни пайтда, умумий йиғилиш дивидендлар ставкасини ҳисобот йилида тўланган оралик дивидендлардан кам ҳам белгилай олмайди.

Акциядорлар умумий йиғилиши қарорига биноан дивиденд пул маблағлари ёки

бошқа қонуний тўлов воситалари билан тўланиши мумкин. Шу билан бирга кузатув кенгашининг дивидендларни тўлаш шакли ҳақидаги тавсияларини (пул билан, жамият акциялари билан ёки товарлар билан) акциядорлар умумий йиғилиши томонидан ўзгаришсиз қабул қилиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу ҳолат мантикка асосланади, чунки кузатув кенгаши жамиятнинг ҳақиқий аҳволидан хабардор ва ўзининг йиғилишга тавсияларини ишлаб чиқишда дивидендлар тўловининг миқдори ва шакллари кўллашдаги имкониятларни ҳисобга олади.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” Қонуннинг 29-моддасига биноан жамиятнинг уставида имтиёзли акцияларнинг ҳар бир тури бўйича тўланадиган дивиденд миқдори белгилаб қўйилиши лозим. Дивиденд миқдори қатъий пул суммасида ёки имтиёзли акцияларнинг номинал қийматига нисбатан фоизларда белгиланади. Агар имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар миқдорини аниқлаш тартиби жамият уставида кўрсатилган бўлса ҳам улар белгиланган ҳисобланади. Дивиденд миқдори белгиланмаган имтиёзли акцияларнинг эгалари оддий акцияларнинг эгалари билан барабар дивидендлар олиш ҳуқуқига эгадирлар. Жамият уставида икки ёки ундан ортиқ турдаги имтиёзли акциялар назарда тутилган бўлса, уставда уларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўланиши навбати ҳам кўрсатилган бўлиши лозим. Шунингдек, муайян имтиёзли акциялар бўйича уставда белгиланган, лекин тўланмаган (ёки ҳаммаси тўланмаган) дивидендларнинг жамғариб борилиши ва кейинчалик тўлаб берилиши жамият уставида белгилаб қўйилиши мумкин (кумулятив имтиёзли акциялар).

Дивидендлар акциядорлик жамиятининг ҳисобот давридаги соф фойдасидан (солиқлар тўланган сўнг қолган фойда) тўланади. Муайян турдаги имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар жамиятнинг махсус мўлжалланган фондлари ҳисобидан тўланиши мумкин.

Дивидендлар тўланиши учун жамиятнинг кузатув кенгаши дивиденд олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг рўйхатини тузади. Оралиқ дивидендларни олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхатига кузатув кенгаши дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилган кундан камида 30 кун олдин акциядорлар реестрига киритилган акциядорлар ва акцияларнинг номинал сақловчилари, йиллик дивидендлар олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхатига эса акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар рўйхати тузиладиган кунгача акциядорлар реестрига киритилган акциядорлар ва акцияларнинг номинал сақловчиларини киритилади. Йиллик дивидендларни тўлаш санаси жамият уставида кўрсатилади ёки акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан белгиланиши мумкин. Иккинчи вариант мақбулроқ ҳисобланади. Чунки дивидендлар жамиятнинг ҳисобот йилидаги соф фойдасидан тўланади, фойда ва зарарлар ҳисобварағи акциядорлар умумий йиғилишида тасдиқланиши, шунингдек умумий йиғилиш кузатув кенгаши тавсияси билан соф фойданинг дивидендларга ажратиладиган қисмини белгилаши лозим. Йиллик дивидендларни тўлаш санаси шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кеч бўлмаслиги лозим. Оралиқ дивидендларни тўлаш санаси эса кузатув кенгашининг шундай қарори қабул қилинган кундан эътиборан камида 30 кун кеч белгиланиши лозим.

Дивидендлар тўланишида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича, сўнгра оддий акциялар бўйича дивидендлар тўланади. Имтиёзли акцияларга жамият уставида қатъий белгиланган дивидендларни тўлаш учун етарли миқдорда фойда мавжуд бўлса, жамият бундай акциялар бўйича дивидендлар тўлашни рад этишга ҳақли эмас. Бу ҳолда имтиёзли акциялар эгалари дивидендлар тўлашни суд орқали талаб қилишлари мумкин. Фойда етарли бўлмаганда имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар шу мақсад учун ташкил этилган захира фонди ҳисобидан ва фақат мазкур фонд доирасида тўланиши мумкин.

Даъво қилиш муддатида (3 йилда) талаб қилиб олинмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан жамият ихтиёрида қолдирилади. Бундай қарор қабул қилинмаганда эса, мазкур сумма даъво муддати ўтган кредиторлик қарзи сифатида даромадга олинади.

Давлат корхонасини қайта тузиш натижасида ташкил этилган акциядорлик жамиятида дивидендлар устав фондининг бошланғич миқдорида мувофиқ тарзда ҳисобланади. Жамиятнинг ҳали сотилмаган акциялари давлат ихтиёридаги акциялар деб эътироф этилиб, улар бўйича ҳисобланган дивидендлар давлат улушига тегишли дивидендларга киритилади.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” Қонуннинг 58-моддасига биноан акциядорлик жамияти умумий йиғилиш қарори билан белгиланган дивидендларни ўз айби билан тўламаган тақдирда тўланмаган сумма юзасидан Марказий банк ўрнатган қайта молиялаш ставкаларига мувофиқ миқдорда усим (пеня) тўлаб бериши лозим. Акциядор ўзига ҳисоблаб ёзилган дивидендларни суд орқали талаб қилишга ҳақли. Талаб қондирилмаса, қонунчиликда белгиланган тартибда тўловга қобилиятсизликни бартараф этиш (санация) ёки банкрот бўлган деб эълон қилиш тадбири қўлланади.

Давлатга тегишли акциялар бўйича дивидендлардан фойдаланиш хусусиятлари

Устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган акциядорлик жамиятларида дивидендларни ҳисоблаш ва тўлашда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1995 йил 29 мартда 133-рақам билан рўйхатга олинган ва Давлат мулки қўмитаси томонидан тасдиқланган “Ҳиссадорлик жамиятлари томонидан дивидендларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби ҳақида Низом”га риоя қилиниши лозим. Мазкур Низомга биноан давлат акцияларининг улуши 51 фоиз ва ундан ортиқ бўлган акциядорлик жамиятларида махсус фондларнинг умумий миқдори соф фойданинг 40 фоизидан ошмаслиги керак (заҳира фонди, ишлаб чиқаришни ривожлантириш фонди, ижтимоий ривожлантириш фонди). Соф фойданинг қолган қисми дивиденд сифатида тақсимланиши лозим. Низом давлат улуши 51 фоиздан кам бўлган акциядорлик жамиятлари соф фойдаси тақсимланишига нисбатан алоҳида талаблар қўйган эмас.

1997 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 404-сонли “Давлат мулки негизида ташкил этилган акциядорлик жамиятлари акциялари пакетларини жойлаштирилишини такомиллаштириш ва акциядорларнинг бошқаришдаги ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори қабул қилинди. Мазкур қарорда “Давлат улушлари, акциялар пакетлари бўйича дивидендларнинг корхоналар томонидан ишлатилишини назорат қилиш тўғрисида Низом” тасдиқланди. Низом 1997 йил 24 октябрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 372-сон билан рўйхатдан ўтказилди.

Мазкур Низомда давлат улуши бўлган акциялар бўйича дивидендлар ҳисобланиши тўғрилиги ва тўлалиги устидан, шунингдек корхоналар томонидан акциялар давлат улуши бўйича дивидендларнинг мақсадли ишлатилиши устидан (корхонани ривожлантириш ва техникавий қайта курулантиришга) назорат тартиби белгиланди. Низомга биноан назорат

қилувчи орган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигидир. Назорат системали равишда (мунтазам) олиб борилади, давлат улуши бўлган акциялар бўйича дивидендлар мақсадга номувофиқ ишлатилганда Назоратчи орган маблағларни республика бюджетига олиб қўйиш ҳуқуқига эга. Акциядорлик жамиятининг бошқарув органлари (Кузатув кенгаши ёки ижроия органи) устав фондида давлат улуши мавжуд бўлса, Назоратчи органга (Молия вазирлигига) дивидендлар тўланиши ҳақида қарор қабул қилинган санадан бошлаб 15 кундан кечиктирмай давлат улуши бўйича ҳисобланган дивидендлар ҳақида, шунингдек жамиятнинг ҳисобот давридаги хўжалик фаолияти яқунлари тўғрисида ахборотни тақдим этишлари лозим. Бу ахборот таркибига қуйидагилар киради:

- корхона йиллик баланснинг ва фойда ва зарарлар ҳақида ҳисоботининг нусхалари;
- аудитор хулосасининг нусхаси;
- дивидендлар тўланиши, тўлов муддатлари ва бир акцияга дивиденд миқдори ҳақида акциядорлар умумий йиғилиши баённомасидан кўчирма;
- давлатга тегишли акциялар пакети бўйича ҳисобланган дивидендлар ҳақида белгиланган шаклда ахборот.

Давлат улуши бўйича дивидендлар акциядорлик жамияти томонидан дивидендлар тўланиши ҳақида қарор қабул қилинган санадан эътиборан 4 ойдан кечиктирмай тўлаб берилиши лозим.

Вазирлар Маҳкамасининг 404-сонли қарорида акциядорлик жамиятларига Давлат мулки қўмитаси ёки у ваколат берган орган билан шартнома тузган ҳолда давлат улуши бўйича дивидендлардан 5 йилгача муддатга, қайтарилиши шарти билан, корхонани ривожлантириш ва техникавий қайта қуроллантириш учун фойдаланишга рухсат берилган.

Давлатга тегишли дивидендлардан корхонани ривожлантириш мақсадлари учун фойдаланмоқчи бўлган акциядорлик жамияти акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилган санадан эътиборан 10 кундан кечиктирмай бу ҳақда Давлат мулки

қўмитасига ва Назоратчи органга хабар беради. Хабарда корхона давлатга тегишли дивидендлардан қанча муддат фойдаланмоқчи эканлиги ҳамда зарур ҳужжатларни қайси санага қадар тақдим эта олишини кўрсатади. Назоратчи органга ҳужжатлар тақдим этилиши санаси дивидендлар тўланиши охири санасидан ва йилнинг 1 августидан кечбўлмаслиги лозим. Корхона билан Давлат мулки қўмитаси ёки у ваколат берган орган ўртасида давлатга тегишли акциялар бўйича дивидендлардан корхонани ривожлантириш ва техникавий қайта қуроллантириш учун фойдаланиш ҳақида шартнома тузилгандан сўнг акциядорлик жамияти Назоратчи органга 30 кундан кечиктирмай қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- шартнома нусхаси. Шартномада маблағларни қайтариш муддати, маблағларнинг ишлатилиши аниқ мақсадлари, ҳисобот бериш муддатлари ва тартиби кўрсатилган бўлиши лозим;
- корхона бошқарув органи тасдиқлаган бизнес-режа;
- давлатга тегишли акциялар бўйича дивидендлардан фойдаланиш заруриятининг асосномаси;
- Назоратчи органга бизнес-режа бажарилиши ва маблағлар мақсадли ишлатилиши ҳақида ахборотлар ва ҳисоботлар тақдим этилиши графиги. Ҳисоботлар ярим йиллик ва йиллик якунлар бўйича бериб борилади. Назоратчи орган камида икки йилда бир марта маблағлар мақсадли ишлатилиши режали текширувларини ўтказади. Текширув корхонага чикиб амалга оширилади. Текширув натижалари бўйича далолатнома тузилади. Маблағлар мақсадга номувофиқ ишлатилиши аниқланмаса, бизнес-режага биноан маблағлар мақсадли ишлатилганлиги ҳақида, акс ҳолда эса маблағ муайян қисми мақсадга номувофиқ ишлатилганлиги ҳақида қарздорликни солиштириш далолатномаси тузилади. Далолатномага корхона раҳбарлари ҳам имзо чекадилар. Мақсадга номувофиқ ишлатилган ёки ишлатилмаган дивидендлар суммаси 3 банк иш куни ичида республика бюджетига ўтказиб берилиши лозим. Кечиктирилган ҳар бир кун учун корхона кечиктирилган

сумманинг 0,2 фоизи миқдорида, лекин 10 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима тўлайди. Корхона бу талабни бажара олмаса, Назоратчи орган унинг банкдаги ҳисобрақамига инкассо топшириқномаси қўяди ва сумма корхона ҳисобрақамидан мажбурий тартибда ундирилади. Корхона раҳбарлари таққослаш далолатномасини имзолашдан бош тортса, маблағлар акциядорлик жамиятидан суд орқали ундирилади. Назоратчи орган қуйидаги ҳаракатларни дивидендлардан мақсадга номувофиқ фойдаланишга тенглаштиради:

- маблағлар ишлатилиши тўғрисида нотўғри ахборот бериш ёки талаб қилинган ахборотни бермаслик, ахборот бериш муддатларига риоя қилмаслик;
- давлатга тегишли дивидендлардан фойдаланиш ҳақида шартнома тузиш учун асос бўлган бизнес-режа бажарилишига асоссиз риоя қилмаслик;
- маблағлардан фойдаланиш муддати тугагандан сўнг маблағларни қайтармаслик.

2.3.Молиявий ҳисоботларни тасдиқлаш, аудитор текширувидан ўтказиш ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши

- Корхона молиявий ҳисоботларига қуйидагилар киради:
- бухгалтерия баланси;
 - молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот ва бюджетга тўланмалар тўғрисида маълумот;
 - дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ҳақида маълумотнома;
 - асосий воситалар ҳаракати тўғрисида ҳисобот;
 - пул оқимлари тўғрисида ҳисобот;
 - ўз капитали тўғрисида ҳисобот;
 - молиявий-иқтисодий ҳолат бўйича маълумотнома.

Корхона маблағлари ва уларнинг манбалари бухгалтерия балансида муайян санадаги ҳолати бўйича акс эттирилади (чорак, йил боши ёки охири). Баланс актив қисми моддалари суммалари йиғиндиси билан пасив қисми моддалари суммалари йиғиндиси ўзаро тенг бўлади. Активда корхона маблағлари таркиби ва жойлашиши бўйича кўрсатилади: асосий воситалар, товар захиралари, пул маблағлари ва ҳоказолар. Маблағларнинг ҳар бир тури ўз шаклланиш манбасига эга бўлади ва бу манбалар балансининг пасив қисмида кўрсатилади (таъсисчилар маблағлари, корхона ишлаб топган маблағлар, қарзга олинган маблағлар, мақсадли молиялаш тарзида олинган маблағлар).

Ўз маблағлари манбалари суммаси узоқ муддатли активлар суммасидан ортиқ бўлиши лозим. Корхонанинг ўз маблағлари биринчи навбатда асосий воситаларни харид қилиш ва узоқ муддатли молиявий қўйилмаларга йўналтирилади. Қолган қисми ҳисобига айланма маблағлар (товар - моддий захиралар, пул маблағлари ва бошқалар) шаклланади. Агар ўз маблағлари манбалари узоқ муддатли активларни қопламаса бу, биринчидан, корхона айланма маблағлари тўласича қарз маблағлари ҳисобидан шаклланганлигини

ҳамда узоқ муддатли активлар бир қисми ҳам қарзга ҳарид қилинганлигини билдиради. Бундай ҳолда корхона тўловга ноқобил ҳисобланади. Айланма маблағлар катта қисмининг корхона ўз маблағлари ҳисобидан қопланиши мақсадга мувофиқдир. Узоқ муддатли активлар, биринчи навбатда, ўз маблағлари ҳисобидан шаклланиши лозим. Айтилган пайтда бу мақсадлар учун узоқ муддатли кредитлар ва қарзлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Айланма маблағлар оборотдаги ўз маблағлари, қисқа муддатли кредитлар ва қарзлар ҳамда айланма маблағларни тулдиришга йўналтирилган узоқ муддатли қарзлар ва кредитлар йиғиндисига тенг бўлиши лозим. Бухгалтерия баланси моддалари молиявий ҳисоботлар муайян шакллари кўрсаткичлари билан бевосита боғлиқ. “Молиявий натижалар ҳақидаги ҳисобот”да корхона томонидан ҳисобот даврида олинган фойда ҳисоб-китоби берилади. Унда умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижаси, ғайриқулудда фойда ёки зарар, солиқ тўлангунча қадар умумий молиявий натижа, ҳисобот давридаги соф фойда акс эттирилади. Бу ҳисоботнинг маълумотномасида бюджетга барча тўловлар кўрсатилади. Баланс пассивининг “Ўз маблағлари манбалари” бўлимида тақсимланмаган фойда суммаси ҳам кўрсатилади. Акциядорлик жамиятида у фойданинг дивидендларга йўналтирилмасдан корхона ихтиёрида қолган қисмининг корхона фаолияти давомида жамғарилиб келаётган суммасини ифода қилади. Баланс активининг 2-бўлимида дебиторлик қарздорлиги турлари бўйича кўрсатилади. Баланснинг пассив қисми 2-бўлимида кредиторлик қарзлари турлари бўйича акс эттирилган. Айтилган пайтда ҳисоботлар таркибида назорат мақсадларида “Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳақида маълумотнома” жорий этилган. Унда дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг вужудга келиши ёритилади, яъни субъектлари бўйича ҳосил бўлган вақти ва суммаси кўрсатилади.

“Асосий воситалар ҳаракати ҳақида ҳисобот”да асосий воситалар турлари, уларнинг ҳаракати ҳамда бошланғич қиймати, эскириши ва қолдиқ қиймати

давр боши ва охирига кўрсатилган. Бу кўрсаткичлар асосий воситалар ҳолати ва улардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш учун жуда муҳимдир. “Пул оқимлари ҳақидаги ҳисобот”да пул маблағларининг барча турлари ҳақида ахборот кўрсатилади. Бухгалтерия балансининг 170, 180 ва 190-сатрлари бўйича қолдик пул маблағлари “Пул оқимлари ҳақидаги ҳисобот”нинг 070 ва 080-сатрларидаги пул маблағлари қолдикларига тенг. “Ўз капитали тўғрисидаги ҳисобот”да устав фонди, қўшилган капитал, резерв фонди ва тақсимланмаган фойда ҳаракати ҳақидаги маълумотлар берилади. Бу маълумотлар баланс пассиви 1-бўлимидаги маълумотларга мос келади. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” Қонуннинг 105-моддасига биноан жамиятда бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молия ҳисоботлари, шунингдек акциядорлар, кредиторлар ва оммавий ахборот воситаларига жамият фаолиятига доир маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик қонун ҳужжатларига мувофиқ ижроия орган зиммасига юкланади. Акциядорлар умумий йиғилишига тақдим этиладиган йиллик ҳисобот, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисобварағи тўғри эканлиги жамиятнинг тафтиш комиссияси томонидан тасдиқланиши ва мустақил аудитор текширувидан ўтказилиши лозим. Қонуннинг 108- I моддасига биноан очик турдаги акциядорлик жамияти жамиятнинг йиллик ҳисоботини, бухгалтерия балансини, фойда ва зарарлар ҳисобварағини, жамият акциялари эмиссияси маълумотномасини; акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабарни; жамият аффилиланган шахсларининг уларга қарашли акциялар сони ва турларини кўрсатган ҳолда тузилган рўйхатларини оммавий ахборот воситаларида ҳар йили эълон қилиши шарт.

Мустақил аудит вужудга келишининг сабаблари акциядорлик жамиятлари барпо этилиши, мулкдорлар-акциядорлар, инвесторлар, омонатчилар ва корхона маъмурияти манфаатларининг бир-биридан алоҳидалашувидир. Бозор

иқтисодиётида аудитор иқтисодий эксперт, маслаҳатчи ҳамдир. Аудиторлар амалдаги норматив ҳужжатларни тўғри талқин қилишда кўмаклашадилар, йўл қўйилган хатоларни аниқлайдилар ва тузатишда ёрдам берадилар, ҳисоб тизимини йўлга қўйиш ва солиқ тўлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқадиладар, молиявий таҳлилдан ва бошқарув аудитидан корхона молия-хўжалик фаолиятини яхшилаш усуллари ишлаб чиқиш учун фойдаланадилар. Корхона маъмурияти аудит олдига солиқлар тўғри ҳисобланганлигини текшириб бериш вазифасини ҳам қўяди.

Ҳозирги боскичда аудит тараққиёти аудит хизмати мутахассисларига нисбатан жуда юқори талаблар қўймоқда. Аудит текшируви давомида фақат бухгалтерия ҳисоби тизимини ўрганиб чиқиш билан қифояланмасдан, молиявий-хўжалик фаолиятининг турли соҳаларини атрофлича тадқиқ этилиши зарурияти вужудга келди.

Аудит текшируви жараёнида бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан бир қаторда қуйидаги асосий ҳужжатларга мурожаат қилинади:

- 1)жамият устави;
- 2)таъсис шартномаси;
- 3)белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган таъсис ҳужжатларида ўзгаришлар;
- 4)таъсисчилар ва акциядорлар йиғилишлари баённомалари;
- 5)давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома;
- 6)корхонани хусусийлаштириш ва акциялаштириш билан боғлиқ ҳужжатлар;
- 7)статистика органларида, давлат солиқ инспекциясида, ижтимоий суғурта фондида, бандлик фондида рўйхатдан ўтганлик ҳақида гувоҳномалар;
- 8)банк хизмати кўрсатиш шартномаси;
- 9)эмиссия проспекти;
- 10)акциядорлик жамияти акциядорлари реестри;
- 11)кузатув кенгаши қарорлари кўчирмалари;

- 12) ижроия дирекция буйруқлари ва фармойишлари;
- 13) фаолият муайян турлари билан шуғулланиш учун лицензиялар ва рухсатномалар;
- 14) таъсисчилар ва акциядорлар билан ёзишмалар;
- 15) акциядорлик жамиятини рўйхатдан ўтказишда, қайта рўйхатдан ўтказишда, қайта тузишда, тугатишда ва бошқа шу каби ҳолларда бошқа шахсларга берилган ишончномалар ва ваколатларни рўйхатга олиш журналлари;
- 16) ички низомлар;
- 17) жамият акциялари тўлаб берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- 18) жамият акциялари учун тўлов сифатида берилган мол-мулкни ва ҳуқуқларни баҳолаш услуби;
- 19) фаолият дастлабки даври ҳисоботлари;
- 20) йиллик ҳисобот.

Аудит жараёнида қуйидаги тадбирларнинг бажарилиши текшириб чиқилади:

- 1) жамиятнинг бошқариш таркиби ва барча даражадаги раҳбарларнинг бошқарув қарорлари қабул қилишдаги ваколатлари;
- 2) таъсис ҳужжатларига ўзгаришлар ўз вақтида киритилиши;
- 3) жамиятнинг фаолият турлари;
- 4) жамиятнинг таъсисчилари таркиби;
- 5) устав капитали миқдори ва акциядорларнинг улушлари;
- 6) таъсисчилар томонидан ўзларига ажратилган акцияларнинг ўз вақтида сотиб олинishi;
- 7) акцияларни сотиб олиш операциялари тўғри расмийлаштирилиши;
- 8) акцияларни тўлаб бериши тартиби;
- 9) жамият кичик тадбиркорликка мансублиги ёки мансуб эмаслиги;
- 10) жамият уставида ташқи иқтисодий фаолият назарда тутилмаганлиги;
- 11) уставда резерв фонди ва бошқа фондлар ташкил этилиши белгиланганлиги ёки белгиланмаганлиги;
- 12) жамият Ўзбекистонда ва чет элларда алоҳида балансга эга филиаллар

ташқил этиш ҳуқуқига эгалиги ёки эга эмаслиги;

13) солиқлар тўлангандан сўнг қолган фойдани тақсимлаш тартиби;

14) дивидендлар тўғри ҳисобланиши ва улар бўйича солиқлар тўғри ҳисобланиши;

15) устав фондини шакллантириш бўйича бухгалтерия ўтказмалари ва бухгалтерия ҳужжатлари тўғри расмийлаштирилиши;

16) бошланғич ҳужжатлардаги ёзувлар билан 75 “Таъсисчилар билан ҳисоб-китоблар” ҳисоби ва 85 “Устав капитали” ҳисобидаги ёзувларнинг ўзаро мувофиқлиги.

III-боб. Фойдани тақсимлашда дивидент сиёсатини шакллантиришнинг жаҳон тажрибаси

Дунёнинг турли мамлакатларида амалдаги солиқ сиёсатидан келиб чиқиб, дивидент сиёсатини танлашга турлича ёндашилади. Масалан, Буюк Британия, Австралия, Канада ва қатор бошқа мамлакатларда солиқ ставкаси бир хил. Германия ва Японияда қайта молиялаштирилган фойда туланган дивидентларга қаралганда юқорироқ ставка бўйича солиққа тортилади. Францияда эса-аксинча. Бундан ташқари, аксарият мамлакатларда солиқ тўловлар солиқ тўлаш бўйича диффирнциланадилар. Бу ҳам у ёки бу гуруҳ инвестторларнинг қайта молиялаштириладиган фойдадаги улушга нисбатанмуносабатига таъсир кўрсатади. Дунёда дивидент сиёсатини шакллантиришнинг қуйидаги жаҳон назариялари мавжуд.

1. Дивидентларнинг мустақиллиги-ирреливантлиги назарияси. Унинг муаллифлари Ф.Модильяни ва М.Миллер 1961 йилда чоп этилган илмий ишида, танланган дивиденд сиёсати жорий давра ва истиқболда корхонанинг бозор қийматига (акциялар нархига) ҳам, мулкдорларнинг фаровонлигига ҳам ҳеч қандай таъсир ўтказмайди. Чунки бу кўрсаткичлар тақсимланадиган эмас, балки шаклландиган фойда сўммасига боғлиқ деб таъкидлайдилар. Ушбу назарияга муофиқ, дивидент сиёсати фойдани бошқариш механизмида пассив рол уйнайди. Модилляни ва Миллернинг фикрлаш мантиқи қуйидагича. Агар компания Р фойда олган бўлиб, уни компания бўйича ўртача даромадлилик каби даромадлиликни кафолатлайдиган IP лойихага инвестициялаш имкониятига эга бўлса, у қуйидаги вариантларнинг хоҳлаганини танлаши мумкун.

а) фойдани тўлиқ хажмда қайта инвестициялаш;

б) бутун фойдани дивидент тўлашга сарфлаб лойиҳани қўшимча акциялар эмиссияси ҳисобига молиялаштириш;

в) фойданинг бир қисмини дивидендлар курунишда тулаб, бу маблағларни икки манба: тақсимланмаган фойда ва акциялар эмиссиясидан даромад ҳисобига молиялаштириш. Муайян қўшимча шартлар мавжуд бўлганда дивидентларни тўлашнинг мазкур ўртача вариантларидан бирортасини танлаш умумий даромадлиликни эмас балки, унинг тузилмасини ўзгартиради. Масалан, биринчи ҳолда акциядолар бутун даромадни дивидент кўрунишида оладилар. Яъни капиталлаштирилган (КС) даромад Р нолга тенг. Шундай қилиб бу вариантларни ҳар бири инвесторлар учун бир хил маънога эга.

Модуляни ва Миллер ўз назариясини ривожлантирган ҳолда дивидентларни қолдиқ томонили бўйича ҳисоблашни таклиф қиладилар. Бу фарқни аслаб, улар тўғри инвестициявий сиёсатнинг устувор аҳамиятга эгаллигини, яна бир бор кўрсатадиларки, бу сиёсат охир-оқибат компания олдида тургар асосий мақсадга эришишни белгилайди. Айнан шунинг учун хатти-ҳаракатлар кетма-кетлиги қуйидагича бўлиши керак:

а) капитал киритмалар бўйича мақбул бюджет тузилади ва инвестициялар учун талаб қилинадиган сумма ҳисоблаб чиқилади;

б) фойдани қайта молиялаш ва манбаларнинг мақсадли таркибини сақлаб қолиш ҳисобига молиялашнинг энг юқори имкониятлари мавжуд бўлиши шарти билан инвестициявий портфелни молиялаштириш схемаси белгиланади;

в) фойданинг ҳаммаси инвестициялаш мақсадларида ишлатилмаганда дивидентлар туланади.

Шундай қилиб, фойдани самарали қайта молиялашнинг барча имкониятлари таҳлил қилиб бўлингандан ва барча мақбул инвестициявий

лойиҳалар мана шу манбадан молиялаштирилган кейингина дивидентлар ҳисобланганда бундай дивидент сиёсати мақбул деб тушунилиши керак. Агар бутун фойдани қайта молиялаштиришга йўналтириш мақсадга мувофиқ бўлса, дивидентлар туланмайди: агар компаниянинг мақбул инвестициявий лойиҳаси бўлмаса-фойда тулиқ ҳажмда дивидентларни тўлашга қаратилади. Молияни ва Миллернинг фикрича, фойда ҳисобига барча қабул лойиҳалар молиялаштирилгандан кейинги оддий акцияларнинг дисконтланган нархи плус қолдиқ тамойил бўйича олинган дивидендлар суммаси фойда тақсимлангунча бўлган акциялар нархига эквивалентдир. Бошқача айтганда туланган дивидентлар суммаси бу ҳолда молиялаштиришнинг қўшимча манбаларинисафарбар этиш учун амалга оширилиши зарур бўлган сарф-харажатларга тахминан тенг. Дивиденд сиёсатининг фирма бозор қийматига нисбатан Ирреливантлиги мана шунда кўринади.

2. Дивидендлар афзаллиги назарияси (ёки “қўлга кирган читтак”). Унинг муоллифлари-М.Гордон ва Д.Линтнер бўлиб, Модияни Миллер назарияси муҳолифларидир. Уларнинг таъкидлашича, жорий даромадларнинг ҳар бир бирлиги (дивидент шаклида туланган) “таваккалчиликдан тозаланган” учун келгусига қолдирилган ва ўзига хос таваккалчиликка эга бўлган даромаддан доим юқори қийматга эга. Бу назарияга кўра, дивиденд тўловларининг максималлаштирилиши фойдани капиталлаштиришга қараганда афзал.

Инвесторлар, таваккалчиликни минималлаштириш тамойилидан келиб чиқиб доим фақат келажакда курилишда мумкин бўлган даромадга, шунингдек акциядорлик капиталининг усиши эҳтимолига қараганди. Жорий дивидентларни афзал курадилар. Бундан ташқари, жорий дивиденд тўловлари инвестициялари мазкур компанияни инвестициялашнинг мақсадга мувофиқлиги ва фойдалилиги масалаларидаги шубҳа даражасини камайтиради: бу ҳолда уларни инвестициялашнинг мақсадга мувофиқ капитални дискантлаш коэффиценти сифатида фойдаланиладиган фойда меъёрининг камроқ миқдори

кониқтиради. Бу эса акциядорлик капиталининг бозор баҳосини оширади. Аксинча, агар дивидендлар тўланмаси, шубҳа ҳам ортади, акциядорлик учун мақбул фойда меъёри ҳам ортади, бу эса акциядорлик капиталининг бозор баҳосини тушуриб юборади, яъни акциядорлар фаровонлигини камайтиради.

3. Дивидендларни минималлаштириши назарияси (ёки солиқ дифференцияси назарияси). Н.Литценбергер ва К.Рамосвами томонидан ўтган асрнинг 70 йиллари охири 80 йиллар бошида наўр этилган ушбу назарияга кўра дивиденд сиёсатининг самарадорлиги мулкдорларнинг жорий ва келгуси даромадлари бўйича солиқ тўловларини минималлаштириш мезони билан белгиланади. Дивидендлар кўринишда олинadиган жорий даромадлар доим келгуси даромадлардан кўра кўпроқ солиққа тортилиш сабабли (вақт бўйича пул қиймати омили капиталлаштириладиган даромад бўйича солиқ имтиёзлари ва х.к.лар ҳисобга олиб), дивиденд сиёсати дивиденд тўловларининг минималлаштирилишини ва тегишлича мулкдорларнинг умумий даромади бўйича энг юқори солиқ ҳимоясига эришиш мақсадида капиталлаштиришни максималлаштиришни таъминланиш лозим. Бошқача айтганда, акциядорлар учун дивидендлашган эмас, балки капиталлашган даромадлилик кўпроқ устувор аҳамиятга эга. Буни асосан изохлаш мумкин капиталлаштиришдан олинган даромад дивидендларга қараганда кичикроқ ставуада солиққа тортилган. Солиқ солиш ставкалари мунтазам узгариб борган бўлсада, лекин барча ҳолларда улар орасидаги фарқ сақланиб қолган. Чунончи, 1992 йилдаги АҚШ солиқ қонунчилигига мувофиқ дивидендлар бўйича даромад 31 фоизгача бўлган ставкада, капитал ўсишидан даромад эса 28 фоизли ставкада солиққа тортилган. Бундан ташқари, капиталлаштиришдан олинган даромад солиғининг тўланиш фақат унинг реализацияси билан амалга оширилади.

4. Дивидендларнинг сигнал назарияси (ёки “сигналлаштириш назарияси”). Бу назария акцияларнинг жорий ҳақиқий бозор қийматини баҳолашнинг асосий моделлари асосий элемент сифатида улар бўйича тулнадиган

дивидендлар миқдоридан фойдаланади деган фарқга асосланади. Шундай қилиб дивиденд тўловлари даражасининг узиши акцияларнинг реал ва тегишлича катировкаланадиган бозор қийматининг автоматик тарзда ортишни белгилаб беради. Бу эса уларни реализация қилишда акциядорларга қўшимча даромад келтиради. Бундан ташқари, юқори дивидендларнинг тўланиш компания гуллаб-яшнаётгани ва келажак даврда фойданинг кўпайишини кутаётгани ҳақда “сигнал” беради. Ушбу назария фонд бозорининг юқори даражада “ошкоралиги” билан узвий боғлиқ у ерда олинган тезкор ахборот акциядорларнинг бозор қиймати ўзгаришларига сезиларли таъсир курсатади.

5. Дивиденд сиёсатининг акциядорлар тартиби мослиги назарияси. Ушбу назарияга мувофиқ компания шундай дивиденд сиёсатини юритиши керакка, у аксарият акциядорларнинг умидларига, уларнинг миллий хусусиятларига мос келади. Агар акциядорларнинг асосий таркиби жорий даромадга афзаллик берса у ҳолда дивиденд сиёсати кўпроқ фойдани жорий истеъмол мақсадларга йўналтиришга асосланиши керак. Аксинча агар акциядорларнинг асосий таркиби ўзининг келгуси даромадларини ошириш истагида бўлса, у ҳолда дивиденд сиёсати фойдани тақсимлашжараёнида уни кўпроқ капиталлаштиришга қаратилади. Бундай дивидент сиёсатидан норози бўлган акциядорлар эса ўз капиталини бошқа кампаниялар акцияларига қайта инвестициялайди, бунинг натижасида “мижозлар таркиби бир жинсли бўла боради.

Хулоса ва таклифлар

Мамлакатимизда иқтисодий эркинлаштириш ва модернизация қилиш шароитида корхоналарнинг молиявий ахволини мустахкамлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу вазифани амалга оширишда молиявий натижалар шаклланиши ва фойданинг ишлатилиш жараёнларини аудиторлик текширувларидан утказиш ҳамда таҳлил қилиш асосида фойдалинилмаган имкониятларни сафарбар этиш алоҳида ўрин тутади. Молиявий натижаларнинг иқтисодий мазмуни, ҳисоби, аудити ва таҳлили бўйича ўтказилган назарий, услубий ва амалий изларишлар шуни тасдиқладики, улар мураккаб ва меҳнат сиғимкорлиги ва юқори объект ҳисобланади ва илмий услубий ва ташкилий-меъёрий, амалий тажриба талаб қилади.

Алоҳида объект сифатида молиявий натижаларнинг ўрганиш меъёрий таъминоти ва ташкилий-услубий масалаларини тадқиқ қилиш натижасида:

- махсулотларни сотиш ҳисоби, молиявий натижалар ҳолати таҳлил этилди ва текширув жараёнида ҳал этилаётган вазифалар аниқланди;
- мазкур объект бўйича ҳисоб ва ҳисоботи тартибга соладиган ҳуқуқий-меъёрий база бир тизимга келтириш асосида ўрганилди;
- молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот бўйича муҳимлик ва таваккалчилик даражаларини аниқлаш зарурлиги ўрганилди;
- молиявий натижаларга таъсир курсатадиган харажатлар таркиби таҳлил этилди.

Давр харажатлари, асосий ишлаб чиқариш фаолияти бошқа даромадлари, молиявий фаолият харажатлари ва даромадларини хужжатли текшириш алгоритми амалиётида қўлланилиши тавсия қилинди: дастлабки хужжатлар билан тақослаш (солиққа тортиш чоғида ҳисобга олинадиган даромадлар ҳисоб-китобининг туғрилигини текширишни ҳам қўшган ҳолда):

даромадларнинг у ёки бу даврга тўғри олиб борилганини текшириш: асосий фаолиятнинг бошқа даромадларини ҳисобга олувчи счётларда (9310-9390) акс эттирилган маълумотларни таҳлил қилиш.

Тадқиқотлар кўрсатишига, мулкдорлар розилиги бўлмаган ҳолларда, харажатларни соф фойда ҳисобидан қоплаш ва бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттириш бўйича амалдаги меъёрий ҳужжатларда аниқ тавсиялар берилмаган.

Бундай вазиятлар қилинган харажатларни 3290 “Бошқа муддат кечиктирилган харажатлар” счётида акс эттириш тавсия этамиз. Мулкдорлар розилиги олинганидан сўнг эса, ушбу харажатлар корхона ихтиёида қоладиган-тадсимланмаган фойда ҳисобидан қопланади:

Дибек 8710 “Тақсимланмаган фойда” счёти.

Кредит 3290 “Бошқа муддати кечиктирилган харажатлар” счёти.

Шунингдек, тақсимланмаган фойда ва уни ишлатиш аналитик ҳисобининг тўғри ташкил этилишининг ҳам текширилиши лозим. Бу борада корхона ҳисоб сиёсатидан келиб чиққан ҳолда 8710 “Тақсимланмаган фойда” счёти бўйича қуйидаги аналитик счётлар очиши тавсия қилинди:

“Тақсимланиши лозим бўлган фойда”, “Тақсимланмаган фойда”, “Тақсимланмаган фойданинг ишлатилган қисми”, “Қопланмаган зарар”.

БМИда фойдага таъсир курсатувчи омиллар таҳлилида анъанавий омиллар сотилган маҳсулот миқдори ва баҳо омилидан ташқари ўзгарувчан ва доимий харажатлар омилларини инобатга олиш зарурлиги асосланди. Уларнинг хусусиятлари қиёсий таҳлил қилиниб, харажатларнинг доимий ва ўзгарувчан харажатларга бўлишига асосланган услубнинг афзаллиги исботланди. Шунингдек рентобелликка таъсир кўрсатувчи омиллар комелкс таҳлил қилиниб, бутун капиталнинг ҳақиқий рентабеллик даражаси: сотиш хажми,

сотиш стратуктураси, сотиш баҳоси каби омиллардан ташқари, ўзгарувчан ва доимий харажатлар, асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари ва капиталнинг айланувчанлик каэффицентиға ҳам боғлиқ.

Таклифлар:

1. Давр харажатлари, асосий ишлаб чиқариш фаолияти бошқа даромадлари молиявий фаолият харажатлари ва даромадларини хужжатли текшириш алгоритми амалиётда тавсия қилади;
2. Корхонанинг молиявий фаолиятини жонлантириш чораларини куриш лозим, чунки корхонада буш турган маблағлар анчагина мана шу маблағлардан фойдаланиш керак;
3. Корхонанинг захира капитали маблағларидан самарали фойдаланиш чораларини ишлаб чиқиш лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, кодекс, фармонлари ва қарорлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон», 2003йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонуни».Т., 2016 йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуни (2000 йил 26 май)
4. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. Т., 2008 йил.
5. “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1995 йил 21 декабрь.
6. “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 1996 йил 25 апрель.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Банк сирини тўғрисида” ги Қонуни. – Т.: “Адолат”. 2005 йил.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳисоб-китоблар механизмининг такомиллаштириш ва республика ҳамда маҳаллий бюджетларга тўловларнинг ўз вақтида келиб тушишининг рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. 1998-йил 4-феврал.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларининг либераллаштириш ҳамда кафолатларининг таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. 2008-йил 20-феврал, ПФ-3968.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бозор ислохотларининг чуқурлаштириш ва иқтисодий янада еркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишининг жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони. “Ўзбекистон”. 2005-йил 10-июн.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодий-модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. 2007-йил июл. Банк ахборотномаси. 2007-йил 17-июл № 28.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банклардаги депозит ҳисобварақларидаги нақд пулдаги тўловларни узлуксиз тўминлаш кафолатлари тўғрисида” 2005-йил 5-августдаги ПҚ-147-сонли Қарори.

13. И. А Каримов «Бош мақсадимиз-мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодий-модернизация таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир» 2015 йил якунларига бағишланган маърузаси. «Ўзбекистон овози» газетаси 2016 йил 16 январь.

14. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т: “Ўзбекистон”, 2009 йил.

15. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: “Ўзбекистон”. 2010-йил.

16. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. – Т.: “Ўзбекистон” 2005-йил.

Асосий адабиётлар

17. Абдуллайева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2007-йил.

18. Абдуллайев Ё., Қоралиев Т.М., Тошмуродов Ш., Абдуллайева С. Банк иши. – Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2009-йил.

19. Верременко С.А. Сюрпризы рейтинга коммерческих банков. Банковское дело. №2, 2005 г.

20. Ключников М.В. Экономико-статистический анализ структуры и динамики показателей пассивных операций коммерческого банка. – М.: “Финансы и кредит”. 2002 г.
21. Муругова И.А. Операционная техника и учет в банках. – Т., ТМИ 2004.
22. Международные стандарты финансовой отчетности. – М.: “Аскери”. 2007.
23. Муллажонов Ф.М. Пул-кредит соҳасидаги мавжуд вазият ва монетар сиёсатнинг 2010-йилга мўлжалланган асосий йўналишлари.//Бозор пул ва кредит. 2010-йил январ 1-сони.
24. Наврузова К.Н. ва бошқалар. Банк ҳисоби. “Фан ва технологиялар”. – Тошкент. 2007-йил .
25. Рашидов Ў.Ю. Пул, кредит ва банклар – Т.: ТДИУ, 2008-йил.
26. Ширинская З.Г. Нестерова Т.Н. Учет и операционная техника в банках. – М.: “Перспектива” 2007.
27. “Банк тизимини ислоҳ қилиш ва еркинлаштиришнинг устувор йўналишлари” мавзусидаги II республика анъанавий илмий-амалий конференцияси материаллари. Тошкент. 2007-йил.
28. Бош Депозиторлар Миллий Ахборот Базаси ва унда мижозларга ҳосрақам бериш ҳақидаги 1145-сонли Низом. . 2002 йил 30 май
29. Банк молия тизимидаги ислоҳотларга бағишланади. // Банк ахборотномаси 2008-йил. №16.
30. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2008-йил.

Қўшимча адабиётлар

31. Тижорат банкларида қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2008-йил 13-декабрдаги 28-4 сонли Қарори билан тасдиқланган йўриқнома.

32. Тижорат банклари фоизларни ҳисоблаш тўғрисидаги Низом. 1306-сон билан Адлия вазирлигида рўйхатга олинган. 2004-йил 30-январ.
33. Ўзбекистон Республикаси Марказий банк бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлар режаси. 2005-йил. (2006-2010-йиллардаги ўзгаришлари билан).
34. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлар режаси. 2005-йил. (2006-2010-йиллардаги ўзгаришлари билан).
35. “Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритишни ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008-йил 3-майдаги 11/5-сонли қарори билан тасдиқланган 1834-сонли йўриқнома.
36. Ўзбекистон Республикасида “Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилиш ҳақида”ги 11/22- Низом. 2002-йил 12-январ (2002-2010 йилдаги ўзгаришлари билан).
37. Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги 1-сонли йўриқнома. 2009-йил 16-март 7/2-сонли қарори билан тасдиқланган (Адлия вазирлигида 2009-йил 27-апрелда давлат рўйхатидан ўтказилди).
38. Тижорат банкларида касса ишини ташкил қилиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқнома” Рўйхат рақами 1831, 2008-йил 27-июн, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами 2008-йил, 26-27-сон.
39. Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом. Рўйхат рақами 1545, 2006-йил 14-феврал.

Интернет сайтлари

www.lex.uz/

www.scu.uz/

www.microfinance.uz/

www.uzreport.com.

www.banking.com.

www.ziyonet.uz